НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА



Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

УЙДА ҚОЛИНГ!

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 8-aprel, chorshanba, 42 (23.322)-son

Жамиятимизда маҳалланинг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, бугунги коронавирус пандемияси кечаётган кунларда маҳалла раислари ва фаоллари зиммасига катта масъулият юклатилган. Вилоят ҳокими Э.Турдимов маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Каттақўрғон шаҳридаги 36 маҳалла фуқаролар йиғини раислари билан учрашди.

Вилоят ҳокими маҳалла раислари билан учрашди

Мулоқотда вилоят ҳокими маҳалла аҳлининг карантин талабларига оғишмай амал қилиши, уйда қолиб, таълим-тарбия билан шуғулланиши, томорқада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришлари бўйича зарур тавсияларини берди. Шунингдек, маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш, ажримларни камайтириш, ёшлар тарбиясида маҳалланинг ролини ошириш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, жойларда тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш, "Бир маҳалла - бир маҳсулот" тамойили асосида уларни ихтисослаштириш сингари долзарб масалалар борасида сўз юритди.

Шунингдек, суҳбат давомида ҳар бир маҳалла раиси ўз ҳудуди бўйича вилоят ҳокимига ахборот берди. Қўшҳовуз маҳалласи раиси С.Негматов, Ноқис маҳалласи раиси Ф.Абдуллаев ҳудудни ободонлаштириш, йўлларни асфальтлашда ёрдам сўради. Бошқа маҳалла оқсоқоллари мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича фикрларини билдирди.

- Маҳалла - давлат ва жамиятни боғлаб турувчи кўприк, - деди вилоят ҳокими. – Шу жиҳатдан маҳалла раислари шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда жойлардаги муаммоларни ҳамжиҳатликда ечиши зарур. Бунда маҳаллада ечилмаётган ҳар қандай муаммо бўйича тўғридан-тўғри шаҳар ҳокимига мурожаат қилиши мумкин. Бундан ташқари, маҳаллалардаги "Тадбиркорлик қиламан, иш ўрни яратаман, лойиҳам бор, кредит керак", деган тадбиркорларни топинг, бу ҳақда шаҳар ва вилоят ҳокимлигига маълум қилинг. Барчасини биргаликда ҳал қиламиз.

Учрашув сўнгида вилоят ҳокими ҳар бир маҳалла бўйича аниқ манзилли режа ишлаб чиқиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Жамшид НОСИРОВ.

Фармон ва ижро

«Энг гуллаган ёшлик чоғлари»

жанггоҳларда ўтган жасурлар



"ҒАЛАБА"ДА ЯШАЙМИЗ

Қўшработ тумани марказидаги кўчалардан бири "Ғалаба" деб номланган. Бу ном Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба билан боғлиқ. Болалигим шу кўчада ўтган. Ён қўшнимиз Жонғабой (Янгибой) бобо маҳалладаги болаларни жуда яхши кўрар эди. Бобонинг урушда кўрган-кечирганларини эшитиб, худди қизиқарли кино кўргандек бўлардик.

Бир куни фашистлар пулемётидан сочилаётган ўқларга кўксини қалқон қилиб, душманни чекинишга мажбур қилган дўсти ҳақида сўзлашни бошлаганда, Жонғабой бободек кўкси медалларга тўла, болғалилик Адирбой бобо дўстини йўқлаб келиб қолди ва "қўй, шу уруш даврини эслама", деб гапини бўлди.

Жонғабой бобонинг вафотигача, ундан кейин ҳам дўстини хотирлаб келиб турадиган Адирбой бобо кейинги пайтда кўринмай қолди. Яқинда у кишини йўқлаб Болғали қишлоғига бордим...

УКРАИНА, УРУШ, УНУТИЛМАЙДИ!

Адирбой Хўжанов 1925 йилда Болғалида туғилган. Эндигина 17 ёшга тўлганда ҳарбий хизматга олинди. Энг гуллаган ёшлик чоғлари Украинада, Иккинчи жаҳон урушининг қонли жанг майдонларида ўтди. Ўлимларни доғда қолдириб, уруш тугагач, қадрдон қишлоғига қайтди.

1945 йилнинг кеч кузи. Қишлоқда битта нон топиш учун минг бир машаққат кечиш керак бўлган пайтлар. А.Хўжанов бу қийинчиликларни ҳам матонат билан енгиб ўтишга ҳаракат қилди, ҳамқишлоқларига елкадош бўлди. Қурбоной ая билан турмуш қуриб, бири аравакашлик қилиб халқнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишга ҳисса қўшган бўлса, иккинчиси чарх йигириб, тўқимачилик билан шуғулланади ва яқинлари, қўни қўшниларига кийим-кечак тикиб беради.

УРУШ ҲАҚИДА СЎРАМАНГ, ЯХШИСИ, ГАЗЕТА ЎҚИБ БЕРАМАН

Адирбой бободан уруш даври ҳақида сўрасангиз хўрсиниб қўяди-да, бошини сарак-сарак қилади.

– Мендан уруш ҳақида сўрамангланг, оти ўчсин, эслашни истамайман, – дейди у кўзига ёш олиб. – Ёнгинамда қанчадан-қанча сафдошларим жон берган. Уларнинг барчаси туғишган ака-укаларимдек қадрдонларим эди. Жанггоҳда яраланиб чеккан азобларимдан ҳам оғирроқ дардни ҳар бир хизматдош дўстимдан айрилганимда ҳис қилар эдим. Эй, қўйинглар, ўша кунларни. Президентимиз бизни мукофотлаш бўйича яна фармон чиқарибди, барака топсин! Шу янгиликни эшитиб ўтирганимда ташқарида ёмғир томчилай бошлади. Бу қишлоғимизга, юртимизга барака ёғиляпти, дегани. Дунёмиз тинч, ризқимиз бутун бўлсин. Шу ёмғирлар бутун олам дардини ювиб кетсин.

Адирбой бобо 96 ёшни қаршилаётган бўлса-да газета ва китобларни кўзойнаксиз ўқий олади. 8 нафар фарзанд ва 50 нафардан зиёд невара-чевараларга ардоғида яшаб келмоқда.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

9 апрель - Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун



1220 йил кузида юз берган фалокат – Чингизхон босқини Марказий Осиёнинг кўпгина шаҳрини бутунлай вайрон қилди. Ўлкадаги шаҳарларнинг кейинги тарихий тақдири Соҳибқирон Амир Темур фаолияти билан боғлиқ.

БУЮК БУНЁДКОР

Амир Темур фаолиятининг дастлабки йилларида Шаҳрисабзни обод қилишга эътибор берган бўлса, 1370 йилдан бошлаб Самарқандни салтанатнинг пойтахти қилиб, 35 йил давомида уни обод, фаровон қилиш билан машғул бўлди. Натижада, бу ерда илм-фан, санъат ва маданият ривожланди. Хусусан, Самарқанд ва Шаҳрисабзда бетакрор меъморчилик иншоотлари барпо қилинди, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик тараққий этди.

XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрда ҳукм сурган ниҳоятда оғир сиёсий ва иқтисодий вазият мамлакатни бирлаштириб, кучли бир давлат ташкил этишни тақозо қилган. Шунинг учун ҳам Амир Темур ўз фаолиятининг дастлабки босқичида барча ҳаракатни Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузишга қаратди ва 1370 йил баҳорида амир Ҳусайн устидан ғалаба қилиб, мақсадига эришди. Ўша йилнинг ёзида шаҳар девори, қалъаси, сув иншоотлари тикланди, сарой ва қасрлар бино қилинди.

4-саҳифа »»

Хайрия маркази эҳтиёжманд оилаларга маҳсулот етказишни бошлади



Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси қошидаги ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш маркази жамланаётган озиқ-овқат маҳсулотларини эҳтиёжманд оилаларга етказиб беришни бошлади.

3-саҳифа »»

Тожливирус гипнози

Биз «учинчи жаҳон уруши» хавфини енгишга тайёрмизми?

Табиатда тизимли, сурункали ҳодисаларга ўрин бўлганидай тасодифийларга ҳам ҳар доим ўрин бўлган ва бу инкор қилинмайдиган ҳол. Шундай экан ер юзида ҳаётнинг тизимли тараққиёти жараёнида у билан доимо тасодифий ҳодисалар юз бериб келганига минглаб мисоллар топса бўлади. Айтайлик, динозаврларнинг тинимсиз тизимли тараққиёти ва тўсатдан ўлиб кетиши. Ер юзида инсон ақлининг тизимли тинимсиз тараққиёти ва унинг ўз тараққиётига қарши тасодифий оламшумул ихтиролари...

Ер юзида яшаётган одамларнинг турли жойдаги минглаб турдаги оқсиллар ва бошқа маҳсулотларни истеъмол қилиши, аммо мана шу истеъмол қилинаётган маҳсулотларнинг қайсидир бири бировга (кимларгадир) ёқса, бошқа бировга ёқмаслиги... ана бу энди бизнинг одамлар сифатида ер юзи иқлим шароитига қараб фарқ қилишимизда кечаётган, фан тили билан айтганда, ҳар кимнинг ўз яшаш шароитидаги замин ва иқлимга боғлиқ этник фарқларимиздир.

Бу ҳолат одамларнинг ер юзидаги истеъмол ва яшаш шароитлари уларнинг «ҳомо сапиенс» сифатида ранг-баранглигини яратадиган омиллардан бири, холос. Масалан, биз, ўзбеклар минг йиллардан бери баҳор келиши билан организмимизда витаминларнинг етишмовчилигини сезиб кўкатларни кўп истеъмол қила бошлаймиз, сумалак пиширамиз. Аммо мана шу эҳтиёж инсониятнинг минг йиллик тарихида, айтайлик, Европа халқларида негадир йўқ. Нима, улар кўкламга келганда ҳам танқис витаминларга эҳтиёж сезишмайдими?

Энди, бугунги кунда дунёни ларзага солган тожливирус тасодифига келсак.

Бугунги кундаги узуқ-юлуқ хабарларга қараганда, Хитойнинг Уханида кимдир кўршапалак еган (уларнинг кўршапалакларни ейиши минг йилликлар давомида сурункали давом этиб келаётган ҳолат) ва тасодифга қаранг, бу одам ҳали ўз организмида кўршапалак қолдиқлари чиқиб кетиб улгурмаган пайтда яна қандайдир жонзотни истеъмол қилган. Мана шу моддаларнинг бир организмда қўшилиб тасодиф беришини фараз қилганимизда тожливирусни дунёга келтирган ҳолатни тушунамиз. Бу ҳолат табиатда биринчи бор учрамаган ҳам бўлиши мумкин ва шундай дейишга ҳақимиз ҳам бор. Аммо биз илм-фан ютуғига таяниб, бугун уни биринчи бор "кўриб" қолдик ва унга давлатлар кўзи билан қараганда катта фожиа сифатида, фан кўзи билан қараганда бу фожиага қандай қилиб тезроқ аксилчорасини топиш кўзи билан, эпидемиологлар кўзи билан қаралса ҳалокат, фалокат деб, ҳарбийлар кўзи билан қаралганда биологик урушга қарши кураш, деб қараймиз ва бу қарашларни яна давом эттириш мумкин. Қизиғи шундаки, бу қарашлар орасида айни ҳолатни учинчи жаҳон уруши сифатида қараш негадир муҳокамага қўйилмади. Ваҳоланки, ер юзи давлатларининг бу фалокатга қарши салкам ҳаммаси курашда қатнашаётганини кўриб, бугун жаҳонда инсоният томонидан табиий офатга қарши учинчи жаҳон уруши кетяпти, деб бемалол айтиш мумкин.

Кимдир бу ҳодисани бизга қарши фалончилар тарқатган, атайлаб "бизга" қарши тарқатган жанг, деб ҳам қараб келмоқда. Демак, бир пайтлар ҳамма жонзотлар қирилаётган пайтда динозаврлардан бири «кимдир бизга қарши жанг бошлашди», деганидай гап. Лекин тан олиш керак, бу ҳам бор гап.

Биз бу нарсага бошқа бир назар билан қараб кўрайлик, яъни дунёда тожливирус тарқалишини маълум шартли ном билан учинчи жаҳон уруши, деб қарасак-чи? Ана энди ер юзида кечган ҳар бир катта уруш, айниқса жаҳон урушлари одамзотга нафақат офатлар олиб келган, бу урушлар ер юзига маълум маънода тараққиёт ҳам олиб келганлигини инкор қилмаймиз ва ва ҳатто, тан оламиз.

2-саҳифа »»

Пахтачи тумани ҳокими Музаффар ҲАМДАМОВ:

ЎЗГАРАЁТГАН ТУМАНИМИЗ БУ ЙИЛ ВИЛОЯТДА КУЧЛИ БЕШЛИККА КИРАДИ

Пахтачи тумани маркази – Зиёвуддин шаҳарчасида 2019 йил "Обод марказ" дастури асосида қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бошланган эди. Айни пайтда ҳам бу жараён давом этмоқда. Ушбу йўналишда шу пайтгача амалга оширилган ишлар, умуман, тумандаги кейинги янгилик ва ўзгаришлар, режалар ҳақида туман ҳокими Музаффар Ҳамдамов билан суҳбатлашдик. Суҳбатни ушбу QR-код орқали zarnews.uz сайтидан ўқишингиз мумкин.

Нафақа тайинлашда энди муаммо бўлмайди

Бугун дунё мамлакатлари коронавирус пандемиясига қарши жиддий кураш олиб боряпти. Вируснинг тезлик билан тарқалиши жаҳон иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига, ўз-ўзидан давлатлар иқтисодиёти ва молия тизимига салбий таъсир кўрсата бошлади. Доимий даромадга эга бўлмаган, кам таъминланган оилалар қийинчиликларга дуч келмоқда.



Ана шундай мураккаб шароитда юртимизда ёлғиз қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар ва эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, озиқ-овқат, дори-дармон маҳсулотлари нархи ошишига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриляпти.

Очиғи, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар нафақа олиш учун ҳафталаб, ойлаб чопишига тўғри келади. Бу борадаги меъёрий ҳужжатларда жуда кўп мураккабликлар, айрим чалкашликлар бор. Масалан, ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги аризага оиланинг таркиби ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади. Ушбу ҳужжатлар асосида оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад миқдори аниқлаб чиқилади.

Бу жараёнда оиланинг моддий ва мулкий ҳолатини текшириш бўйича иш олиб борилади. Шундан кейингина тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида хулоса тақдим этилади. Хуллас, нафақа олиш учун мурожаат қилган фуқаро унинг югур-югуридан тортиб, текшир-текширигача бўлган жараёндан ўтишга жуда қийналади.

Эҳтиёжманд ҳар бир фуқаро ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Бу, айниқса, ҳозирги мураккаб шароитда долзарб масала. Вақтинча ишламаётган, моддий қийинчиликларни бошидан кечираётган кўплаб оилалар учун ижтимоий нафақа бугун сув ва ҳаводек зарур. Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ёрдамга муҳтож кўплаб оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фармонга асосан Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартибига оилаларнинг ижтимоий нафақа олишга муҳтожлигини баҳолаш тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган бир қатор ўзгартиришлар киритиши керак. Жумладан, ижтимоий нафақа олиш учун ариза билан бирга тақдим этиладиган ҳужжатларни камайтириш, давлатнинг ижтимоий ёрдам чоралари ҳисобланувчи алоҳида трансфертларни оиланинг жами даромадларидан чиқариб ташлаш белгиланди.

Бу тартиб-тамойилни давлатимизнинг халқимиз, фуқароларимизга яна бир ғамхўрлиги деб қараш мумкин. Зеро, бугунги синовли кунларда давлат ва жамият бир-бирини қўллаб-қувватласа, карантин билан боғлиқ чекловлар оғир оқибатларни келтириб чиқармайди.

Шербек БЎРОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Эл бошига иш тушса

Касалчилик келди, деб қараб ўтирадиган пайт эмас

Бу коронавирус дегани бир офат экан. Ҳар куни дунёнинг катта-катта, қудратли давлатларида юзлаб инсонлар шу касаллик туфайли вафот этаётганини эшитиб, кўнглим бузилади. Илоҳим, барча одамларни, жумладан, бизнинг халқимизни ҳам ўзинг асра, деб Яратганга илтижо қиламан. Бу балолар тезроқ юртимиздан чекинсин, одамлар ўз юмушлари билан банд бўлсин, деҳқончиликларимизга барака берсин, дейман. Ахир ҳозир ерга уруғ экадиган, ғаллага ва сабзавотга ишлов берадиган пайт-да. Бугунги меҳнат, ҳаракат бу йилги мавсумнинг баракасини белгилайди.

Шунинг учун ҳозир хавфли пандемия бўлса ҳам тиббиёт ходимлари тавсияларига амал қилиб, эҳтиёт чораларини кўриб, кўкламги юмушларни бажаришимиз керак.

Биз ҳам хўжалигимиз аъзоларини саломатликларини асраш учун барча шароитни яратиб бериб, дала ишларини бажаряпмиз. Шу пайтгача 45 гектар ғалла майдонимизни икки марта озиқлантириб, суғордик. Бегона ўтлардан тозаладик. Ғалла ривожи ёмон эмас, насиб этса, мўлжалдаги ҳосилни оламиз. 45 гектар пахта майдонимизни чигит экишга тайёрлаяпмиз. Уруғлик, ёнилғи, ўғитни тайёрлаб қўйганмиз, техникаларимиз ҳам ишга шай. Ер тобга келиши билан қисқа вақтда бу ишни бажарамиз. Сабзавот экинларининг айримларига ишлов беряпмиз, айримлари учун ер тайёрлаб қўйганмиз.



Касаллик келди, деб қараб ўтириб бўлмайди-да. Ҳамма ўз вазифасини бажарса, айтилаётган қоидаларга амал қилса, албатта, бу синовни беталафот енгиб ўтамиз. Халқимиз бундан оғир қийинчиликларни ҳам бошидан кечирган ва ҳамиша ҳамжиҳатлик, аҳиллик, меҳр-оқибат устун келган. Етмиш йилдан буён заминда тупроқ кечган, нон топиб еган ва шу элга эш бўлиб барака топган инсон сифатида айтяпман бу гапларни. Фақат бир илтимосим бор-да. Касалликни енгиш, унинг тарқалиб кетишининг олдини олишни Президент ва бошқа раҳбарларнинг, шифокорларнинг вазифаси деб билмаслигимиз керак. Балонинг тезроқ даф бўлиши ҳар биримизга, ҳар биримизнинг ўзимизни қандай тутишимиз, хатти-ҳаракатимизга боғлиқлигини унутмайлик.

Худо хоҳласа, ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлсак, бир мушт бўлиб ҳаракат қилсак, бу кунлар ҳам ортда қолади. Деҳқончилигимизнинг баракасини берсин, халқимизнинг ризқи бутун бўлсин!

Норхол ҚУРБОНОВА,
Пахтачи туманидаги "Ғаллакор" фермер хўжалиги бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор.

Мингчинорлик томорқачилар бозорни тўлдирмоқда

Бу улуғур туманидаги 55 маҳаллада 29,3 минг хонадон ва улар тасарруфида 4477 гектар томорқа майдони бор. Томорқалардан самарали фойдаланиш учун туманда ишчи гуруҳ ташкил этилган ва 3 та "Томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамиятлари томонидан аҳолига уруғлик, кўчат етказиб бериш хизматлари йўлга қўйилган.

- Карантин даврида одамларимиз томорқаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, бозорни тўлдиришга астойдил ҳаракат қилмоқда, - дейди Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши туман бўлими гуруҳ раҳбари Икром Норбеков. – Томорқа майдонларининг 181 гектарида боғ ва токзор, 10,4 гектарида ихчам иссиқхона, 3 минг гектардан ортиқ қисмидаги очиқ майдонда эртаги экинлар, 372 гектарда ўртаги экинлар жойлаштирилди. 2019 йилда 923 гектар майдондаги тўқсонбости усулидаги экинлардан 15 минг тоннадан ортиқ ҳосил олинди. Бу йил эса 1261 гектар майдонда тўқсонбости усулида экинлар экилди. "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили бўйича Фозил Йўлдош номли, "Ўзбекистон", "Мингчинор" агрофирмалари ҳудудида намунали тизим жорий этилди. Бунинг учун 53 нафар томорқачига тижорат банклари томонидан қарийб 800 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ажратилган маблағ ҳисобидан 540 та ихчам иссиқхона қурилди.

Мингчинор маҳалласи туман марказидан 5 километр олисда жойлашган. Ушбу маҳалла аҳолиси асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Тасарруфида 59 гектар ер майдони бўлган томорқачилар 30 дан ортиқ ихчам иссиқхонанинг деярли барчасини банк кредити асосида қурган.

- 14 сотих томорқа майдонимизда 140 туп гилос, олма, узум ва бошқа мевали дарахтларни эканмиз, - дейди Элбек Мардонов. – 2019 йилда 15 миллион сўм кредит олиб 2 сотихли ихчам иссиқхона қуриб, 3 йиллик лимон ва апельсин кўчатлари эқдик. Кўчатлардан ўтган йилнинг ўзида 50 килограмм апельсин ва 300 килограмм лимон олдик. Биринчи даромадимиздан товуқ, қуён, қўй ва қорамол харид қилдик.



Шу маҳаллада яшовчи Турғун Ҳамроев эса бир неча йил аввал 4 сотих томорқасида ўз маблағи ҳисобидан ихчам иссиқхона ташкил этиб, лимон ва апельсин етиштиришни бошлаган экан. Ҳозирда 12 туп лимондан ўртача 500 килограмм ҳосил олмоқда.

- Томорқа даромадидан икки фарзандимни институтда ўқитдим, - дейди Т.Ҳамроев. – Ортган маблағга 3 бош қорамол, 15 та қўй олдик, энди яна 1 сотих майдонда ихчам иссиқхона ташкил этмоқчиман.

- Маҳалламизда иссиқхонадан даромад олувчилар кўпайди, - дейди Мингчинор маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саодат Аллаёрова. – Бу эса ихчам иссиқхоналар истиқболли эканлигини кўрсатди. Шу боис, иссиқхона қуриш учун кредит олишни истаганлар ўтган йилгидан кўп. Маҳалламиз иссиқхоначиликка ихтисослашиб бораётгани ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Тожли ВИРУС гипнози

Биз «учинчи жаҳон уруши» хавфини енгишга тайёрмизми?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Қаранг, тожливирус бугунги кунда шу бугунгача ғорда яшаган қадим аждодимизнинг қўлида бўлган энг катта дубулға - атом бомбасини бир тийинга айлантирди-ку. Мана бир неча ойдирки атом бомбалар тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса ёзмаяпти ва у тўғрида кимдир бирон йиғилиш ва анжуманларда харҳаша ҳам кўтармаяпти. Атом бомбаси бор давлатлар ўз КУЧларини кўз-кўз қилишни ўзлари тушунган ҳолда бу қурол ҳам "кечаги" қурол эканлигини тушуниб турибди.

Тўғри, улар бу қуролдан ҳали бери воз кечмайди ва эртага тожливирус балоси билан кўтарилган доврўқлар бироз пасайиши билан яна ўзларини эслатишни бошлайдилар. Буни унутмасак ҳам бўлади. Унутмаслигимиз ҳам керак. Чунки, оқиллар жамиятида алоҳида жоҳилларнинг борлиги, бор бўлиши бу ҳам табиий ҳолат эканлигини унутмайлик.

Бу масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шундаки, айтайлик, Хиросима ёки Нагасаки, Чернобиль ёки "Фукусима" фожиалари дунёнинг бир бурчагида юз берган ва берадиган фожиа эканлигини тожливирус жанги, оламшумул гипнози кўрсатди. Керак бўлса, дунёнинг қайси бир бурчагида қайсидир атом станцияси бугун портлаган тақдирда ҳам уни давлатлар, одамлар келишган ҳолда шовқинсиз, тезгина кўмиб ташлаш кучига эга эканлигини англаб етдик. Аммо тожливирус даҳшатини кўмиб ташлашнинг иложи йўқлигини, ҳатто тажовузкор ҳарбийлар ҳам тушуниб турибди. Қаранг, тожливирус тарқалган давлатларнинг ҳарбийлари тезда ёрдамга келиб бири ўн кунда, бири ўн беш кунда, бошқа бири беш кунда тожливирус талофатини бартараф қилиш мусобақасига киришди. Бу энди учинчи жаҳон уруши олиб келган одамзотнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш тажрибасидаги ижобий хулоса ва эзгу амал эмасми?

Мана шу жойда яна бир бор инсониятнинг доно ақидаларидан бирига қайтиб, одамларнинг қалбида биринчи ўринда эзгу фикр бўлишини, бугунги кунда сиёсатчилар ва уларнинг қўлидаги қуроли ҳарбийларнинг эзгу сўз-у амалга ўтаётганлигини кўряпмиз-ку. Эзгу амал эса бутун жаҳоннинг бу офат, тожливирус билан курашаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бир қараганда Форобийнинг орзуси амалга ошгандай, яъни комил инсон дунёга келгандай ҳолатни кузатяпмиз. Аммо комил жамият ҳали ер юзига келмаганлиги аён бўлиб қолмоқда.

Дунё глобал урушлар олдида қандайдир оламшумул муаммоларга етиб келганлигини сезади ва уларни турли йўллар билан ечишга уриниб кўради. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши олдида жаҳон жиддий ирқчилик муаммосига дуч келиб қолган эди. "Миллий" тушунчалар кўпайиб уларни ечиш ва ечими муаммога айланиб қолганидан турли давлатлар турлича ечимлар таклиф қилишган эди. Аммо бу ечимлар кимларгадир ёқса, бошқаларга ёқмаслиги аниқ бўлиб онгли, тинч йўл билан ҳал қилиниши имконияти туғилмаган. Қарабсизки, бундай аҳволда қайсидир бир кучлар алоҳида ўз ечимларини қўллаб, қайсидир "майда" миллатларни "сизнинг яшашга ҳақингиз йўқ", деб қиришдан бошлашди. Жаҳон аслида иқтисодий жиҳатдан ҳам катта муаммо олдида турган эди. Инсоният орзуси бўлмиш "тенг яшаш" ва "талабга асосан яшаш" қонун-қоидалари ҳам ўзаро кураш олиб бораётган эди. Аслида Иккинчи жаҳон урушининг олов олишида мана шу бутун жаҳон пролетарларининг тенгликни талаб қилиши ва бунинг учун ҳокимиятни ўз қўлига олишга уринишлари урушнинг авж олишига асосий гипнотик сабаблардан бири бўлган.

Хўп, ундайда бугунги кунда бу учинчи жаҳон уруши олдида қандай муаммолар турибди?

Бугунги жаҳон ахборот имкониятлари бутун жаҳонни бир маконга айлантиргани бор гап. Демак, кечагина "оммавий маданият", дейилган тушунчаларга алоҳида бир давлат миқёсида эмас, умумжаҳон миқёсида ечим қидиришимиз керак. Жаҳон маданияти дунёга келиши керакка ўхшайди. Унинг кўриниши, координатлари қандай бўлиши бу албатта, тожливирус гипнозидан кейин кенг муҳокамага чиқадиган мавзулардан бири бўлиши тайин. Кечагина, алоҳида фаолият кўрсатиб турган динлар ва маданий тузилмалар бутун одамзот учун ўз умумийлигини, дунёнинг бир бурчагида ҳар бири вужудга келганлигини, бугун эса улар бирикиб, бир тан ва бир йўналишга киришлари кераклигини тан олишлари талаб қилинмоқда.

Диний турлиликлар маданий ягоналикка интилиши ва бир нуқтаи назарга айланиши бу ҳаётий эҳтиёжга айланмоқда. Шунинг учун ҳам Далай Лама айтганидай: маданий ва ахлоқий муаммоларни дунё динлари, алоҳида бир дин елкасига осишни тўхтатиш вақти келди. Бунга мисол қилиб Исландиянинг ҳаётий тажрибаси, ҳамма динларни оммавий қирғин қуроли сифатида тақиқлаш тажрибасини ҳам жиддий тан олишимиз керак бўлади.

Бу деган сўз, қайсидир диний ақида қобиғида, давлатда "пасха" пайтида гўшт ейишга ижозат бериш, бошқа бир дин қобиғида тожливирус пайтида илоҳий зиёратларни вақтинча тақиқлаш ёрдам бермаслигини тан олиб ёки Рим папаси сингари "Муқаддас китобларни таҳлил қилиш вақти келди", дейиш ярим ечим эканлигини ҳам жиддий ўйлаб кўриш кераклигини бугунги вазият кўрсатди.

Одамзот томонидан кечагина глобал муаммо, дейилган масалалар бугунги кунда анча майда мавзуларга айланиб қолганини ҳам тан олайлик. Масалан, Пхукетдаги сув босқини-ю, Фукусимадаги фожиаларни давлатлар келишган ҳолда тезгина ҳал қилишлари мумкин эди ва бундай воқеалар ўз ечимини топа олаяпти. Аммо, одамзоднинг ўзи қайси фалсафада, яъни ЯШАШ мақсади ва ЯШАШНИНГ маъноси йўналишида жиддий ўйлаши керак бўлиб қолганини тожливирус яққол кўрсатиб берди. Қаранг, бутун жаҳон ўз катак, хоналарига ўз ихтиёрлари билан кириб олишди. Жаҳон нафақат бир тилга, умумлаштириб айтганда, бир "динга", аслида бир фалсафага, бир маданиятга, дангал қилиб айтганда, бир қишлоқда яшаш тажрибасига космик тезлик билан интилиб, аниқроғи, учиб бормоқда. Бу ҳолатни «учинчи жаҳон уруши» ҳал қиладиган асосий масалалардан бири сифатида кўриш мумкин.

Жаҳонда ва ҳаётда ҳеч биримиз ер юзида бу муаммоларни бир ўзимиз, алоҳида бир одам, бир миллат, бир дин аҳли, бир жамият ва ҳатто, алоҳида бир давлат бўлиб, еча олмаслигимизни тожливирус гипнози яққол кўрсатди. Демак, жаҳон ҳамжамияти олдига қўндаланг бўлган фалсафий ва ҳаётий муаммога ечим танлаш ва бу ечимни бутун жаҳон ва бутун одамзот учун ҳал қилиш вақти келди. Учинчи жаҳон уруши одамзот ва давлатлар олдига қўйган саволлардан баъзилари ва муаммолари мана шуларга ўхшайди. Ечимни излаш ва ҳал қилиш энди ҳаммамизга боғлиқ. Бу муаммолар эса фақат ва фақат эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал билангина ҳал бўлишини унутмайлик.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ўқитувчиси, психология фанлари номзоди.

«Карантинга олинганлар билан ишлаётганимдан онам бехабар...»

Карантинга олинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатаётган шифокор билан суҳбатлашиб қолдим. Исм-шарифини айтмасликни илтимос қилди. Сабаби... Бу ҳақда суҳбат давомида билиб оласиз. Бундай пайтдаги шифокор машаққати, аҳолининг тушуниб-тушунмай йўл тутаётгани ҳақида мутахассисларнинг фикрлари сизни ҳам эътиборсиз қолдирмаса керак.

- Ишлаш учун ўз ихтиёрингиз билан бордингизми?

- Тўла ўз ихтиёрим билан деб айтолмайман, шифокорлик мажбурияти, бурчим шуни тақозо қилди. Гиппократ қасамини ичганман, ахир. Ҳозирга қадар бу қасамга хиёнат қилганим йўқ, айни бугунги оғир кунларда эса бундай йўл тутишга виждоним йўл қўймайди. Шунинг учун ҳеч иккиланмай ушбу ҳудудга ишлаш учун келдим.

- Оила аъзоларингиз бу қарорингизни, ишингизни қандай қабул қилишди?

- Онамдан узоқда яшаймиз. Шунинг учун у кишига билдирмадим. Оналарнинг феълини биласиз, мен ўн тўрт кун бу ерда ишласам, онам ўн тўрт кун мендан хавотирда яшайди... Хавотирдан ўзига бирор хасталик орттириб олиши ҳеч гапмас. Рафиқам, фарзандларим ишимни яхши тушунишади. Улар билан доим хабарлашиб тураман.

- Иш тартибингиз аввалги кундалик ишингиздан кескин фарқ қилади, шундайми?

- Албатта! Аввало шуни айтиш керакки, ҳар бир шифокор ҳозирги эпидемиологик вазиятда қандай ишлаш кераклигидан жуда яхши хабардор. Қайси шифокор бўлишидан қатъи назар, у аввало умумий даволаш амалиётдан ўтади, врачлар амалга ошириш керак бўлган биринчи ёрдам ҳақида яхши тушунчага эга. Эпидемиологик вазиятда ҳам ўзини қандай тутиш кераклигини шу соҳа вакилларини тайёрлайдиган таълим даргоҳида ўқиганлар жуда яхши хабардор. Ижтимоий тармоқларда бу вазиятга шифокорларимиз тайёр эмас эди, биринчи марта дуч келиши, деган фикрларни ҳам ўқиб қоламиз. Тўғри, ҳозирги ҳолатга нафақат шифокорлар, балки бутун дунё биринчи марта тўқнаш келмоқда. Унга қарши курашишда нафақат шифокорларнинг, балки аҳолининг, умуман, барча соҳа вакилларининг бирдамлиги, вазиятга тўғри баҳо берган ҳолда шифокорлар тавсиясига қатъий амал қилиши муҳим аҳамиятга эга.

- Назаримда, сиз иш жараёнидаги қийинчиликларни айтиб ўтмоқчи эмассиз...

- Биринчи навбатда эпидемиологик вазиятда шифокор ўзини ҳимоя қилиш мақсадида кийиши лозим бўлган комбенезонни кийишнинг ўзи яхшигина вақт талаб қилади. Табиийки, бу кийимни ечмай 16 соат ишлашимиз керак. Шунинг ўзини тасаввур қилиб кўринг. Ҳар бир даволовчи беморимиз вирус юқтирган инсон бўлиши эҳтимоли бор. Шифокор ҳам инсон, у ҳам бу вазиятда ўзидан хавотир олиши табиий. Мамлакатимиз раҳбари айни кунлардаги вазиятда шифокорларни алоҳида эътироф этиши, рағбатлантириши, тўғриси, кўпчилик шифокорларнинг ўз ишига янада масъулият билан ёндашишига сабаб бўлди.

- Карантин қоидаларига амал қилишга бўйин эгмаётганларга нима деган бўлардингиз?

- Карантин ҳудудида ҳам зерикканидан у хонадан бунисига, шунчаки ҳангома қилиш учун тўпланиб олаётган кишилар бор. Улар ўз ҳаётини хатарга қўяётганлигини тушунтириб келяпмиз. Зарур бўлганда чоралар ҳам кўриляпти. Юқорида айтганимдай, бутун дунё ҳозирча бу хасталик олдида бош эгиб турибди. Шу фактнинг ўзи ҳаётимизни асрашимиз, тавсияларга амал қилишимиз кераклиги учун асос бўла олмайдими? Давлатимиз бу борада энг зарур чораларни кўраётгани осонлик билан бўлаётгани йўқ. Сиздан талаб этилаётгани эса уйда ўтириш, мабодо кўчага чиқиш мажбурияти туғилганда ҳам барча қоидаларга риоя этиш. Зерикқандан, гап сотиш учун кўчага, шунчаки айланиб келиш учун дўконга чиқишни бас қилинг! Уйда қолинг!

Г.КОМИЛОВА суҳбатлашди.



Хайрия маркази эҳтиёжманд оилаларга маҳсулот етказишни бошлади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Маҳсулотлар санитар-гигиеник талабларга мувофиқ кўрикдан ўтказилиб, қабул қилинмоқда. Тегишли тартибда тақсимланиб, манзилга етказилмоқда. Хайрия ёрдамлари ортилган транспорт воситалари ҳам тўлиқ санитар ишловдан ўтказилган.

- Шу пайтга қадар 1 миллиард сўмга яқин маблағ тўпланди, - дейди вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Шерали Искандаров. – Шунингдек, марказга 60 тоннага яқин 9 турдаги маҳсулотлар келтирилган. Бу маҳсулотлар вилоятимиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тарқатилмоқда.

Марказда "Call-center" фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, «1197» қисқа рақамли телефон хизмати орқали ёрдамга муҳтож фуқаролар, хайрия қилмоқчи бўлган тадбиркорлар ва бошқа саховатпеша инсонлар мурожаатлари қабул қилинмоқда. Шу пайтга қадар марказга 700 дан зиёд мурожаатлар бўлган.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

Кўчма дўконлар аҳоли хизматида

Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси томонидан карантин кунларида аҳолининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш борасида тизимли тадбирлар олиб борилмоқда.



Хусусан, талаб юқори бўлган маҳсулотларнинг нархлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2087,7 тонна маҳсулот, шу жумладан, 1407,9 тонна картошка келтирилган. Биргина 6 апрель куни 69,7 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари интервенция қилинди. Жумладан, 2,3 тонна картошка, 10,1 тонна сабзи, 12,7 тонна пиёз, 10 тонна гуруч келтирилди.

Аҳолига қулайлик яратиш учун 167 марта савдо ярмаркалари ташкил қилинди. 6 апрель куни махсус жиҳозланган 26 та автотранспорт воситаларида вилоятимизнинг 41 маҳалла ва олис ҳудудларда кўчма савдо ярмаркалари ўтказилди.

Ярмаркаларга 350 килограмм мол гўшти, 290 килограмм товуқ гўшти, 6,1 тонна ун, 5700 дона тухум, 8,6 тонна картошка, 2,2 тонна сабзи, 3,6 тонна пиёз, 1,9 тонна гуруч, 642 литр пахта ёғи, 1650 литр ўсимлик ёғи, 3,4 тонна бошқа маҳсулотлар арзон нархларда етказиб берилди.

Шу куни маҳсулот нархини сунъий ошириб сотаётган ва ҳужжатсиз фаолият кўрсатаётган 3 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди ва фаолияти тўхтатилди. Умуман, ўтган давр мобайнида 81 нафар ҳуқуқбузар фуқаролардан 15 тоннадан кўпроқ маҳсулотлар олиб қўйилиб, уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

М.ҚЎЛДОШЕВ
Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Сиёсий шарҳ

Кутилган ва кутилмаган ИСТЕЪФОЛАР

Россия давлати тарихига эътибор билан назар солган киши қизиқ бир қонуниятни кашф этади.

1825 йилда Санкт-Петербург шаҳрида декабристлар қўзғолон қилиб, подшо ҳукуматига қарши бош кўтарганди.

1865 йилда озод қилинган крепостной деҳқонларни янги босиб олинажак ерлар билан таъминлаш мақсадида чор ҳукумати Туркистонга ҳарбий юришни бошлади.

1905 йилда биринчи рус инқилоби рўй берди. Ҳокимиятни қўлга олган инқилобчилар 1945 йилда узил-кесил ғалаба қозондилар.

1985 йилда қайта қуриш меъмори Михаил Горбачёв ҳокимият тепасига келди.

Сезаётган бўлсангиз, ушбу ҳар бир йирик тарихий воқеанинг содир бўлиш оралиғи роппа-роса 40 йилни ташкил қилади. Шу қонуниятдан келиб чиқадиган бўлсак, бу мамлакатдаги навбатдаги бурилиш 2025 йилда содир бўлиши керак.

2020 йил ҳам Россия Федерацияси сиёсий ҳаётида улкан ўзгаришлар билан бошланди. Дастлаб Дмитрий Медведев ҳукумати тўлиқ таркиби билан истеъфога чиқди. Кейин Россия Конституциясига ўзгартишлар киритиш тадбирлари бошланиб кетди. Янги бош вазир тайинланди. Ҳолбуки, яқиндагина президент Путин собиқ бош вазир Медведевнинг иш фаолиятига юксак баҳо берган, конституцияни ҳам ўзгартиришга айтарли эҳтиёж йўқ эди.

Ҳамма гап шундаки, 2024 йилда Россияда навбатдаги президент сайловлари бўлиб ўтиши кутилмоқда. Конституция талабига биноан Путин президентликни янги номзодлардан бирига топшириши шарт. Аммо "Аёлга бахт ширин, подшога тахт" деганларидек, амалдаги президентнинг "ширин" курсисидан айрилгиси йўқ.

Россияни Беларусь билан бирлаштириш ва шу баҳонада ташкил этилажак янги давлатга раҳбар бўлиш истаги президент Александр Лукашенконинг қайсарлиги оқибатида амалга ошмай қолгач, Путин тезлик билан 2024 йилда ҳокимият давомийлигини таъминлаш тадоригини кўришга киришди. Конституцияга янги киритиладиган ўзгартиришларга биноан, Россияда ҳам худди Хитойдагидек Давлат Кенгаши тузилиши мўлжалланмоқда ва президентнинг ҳозирги ваколатларидан бир нечаси ушбу кенгашга, яна бир қисми эса парламентга берилиши режалаштирилмоқда. Ушбу режа бўйича Путин ваколатини янги президентга топширгач, Давлат Кенгаши раислиги лавозимини қабул қилади ва реал бошқарувни яна ўз қўлига олади. Бундай йўл тутилишининг бир неча муҳим сабаблари бор.

Авваламбор, Россия гарчанд расман федерация шаклидаги давлат ҳисобланса-да, аслида империя мазмунидаги салтанатдир. Шу боис у ерда ҳар гал ҳокимият алмашинуви, албатта, катта бир талотумларни келтириб чиқариши тарихдан яхши маълум. Ҳатто, яқиндагина содир бўлиб ўтган воқеалар мисолида кўрадиган бўлсак ҳам ушбу манзарани кузатиш мумкин. Айтайлик, ўзаро келишилган ҳолда, конституциявий тартибни бузмаслик мақсадида, 2008 йилда ўтказилган президент сайловида Путин ҳокимиятни бир муддат номига бўлса-да, Дмитрий Медведевга топширганди. Ана шу қисқа муддатда ҳам мамлакатдаги демократик кучлар анча қувватланиб, президент яккаҳокимлигига қарши жиддий хавотир пайдо қилди.

Владимир Путин 2012 йили яна ҳокимият тепасига қайтгач, бошқарувни қаттиққўллик билан давом эттирди. Натижада, ҳозирги пайтда жорий сиёсатга қарши чиқувчи бирорта жиддий мухолифат куч қолмади. Борис Немцов отиб ўлдирилгач, бошсиз қолган демократик кучлар ўз-ўзидан парокандаликка юз тутди.

Бу тадбирлардан кўзда тутилган яна бир мақсад ҳокимиятга ишончи йўқолиб бораётган халқнинг розилигига эришишдир. Қрим ярим ороли Украинадан ажратилиб, Россияга қўшиб олинган 2014 йилда президентнинг обрў рейтинги рекорд даража – 86 фоизга кўтарилиб кетганди. 2019 йилнинг охирига келиб бу миқдор 35 фоизга тушиб қолди.

Бунинг бир қанча объектив ва субъектив сабаблари бор. Бундаги бирламчи асосий сабаб шуки, мамлакатда иқтисодий вазият кундан кунга ёмонлашиб, узоқ-яқиндаги қўшнилар билан муносабатлар тобора бузилиб бораётир. Коронавирус касаллигининг тарқалиши эса жиддий хавотирлар пайдо қилаётир. Бунинг устига жаҳон миқёсида нефть ва газ нархларининг арзонлашиб, ҳарбий харажатларнинг ортиб бораётганлиги муаммоларни янада кўпайтирмоқда.

Тўғри, Россиянинг бой табиат ресурслари, ҳукуматининг қора кунларга асраб қўйган олтин-валюта захиралари мавжуд, аммо "ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди" деганларидек, давлат хазинасининг ҳам имкониятлари чексиз эмас. Гарчанд расмий оммавий ахборот воситалари орқали бу гаплар ошкор қилинмаса-да, мамлакатда қашшоқлар сонининг кўпайиб бораётганлиги нохуш ҳолатни фош қилиб қўймоқда. Ана шулар боис бўлса керак, Путин ҳукуматда жуда катта ўзгаришларни амалга ошириб вазиятни тузатишга уринмоқда.

Шов-шувли истеъфолардан яна бири президент Путиннинг Украина масалалари бўйича куратори Владислав Сурковнинг лавозимидан кетиши бўлди. Чунки бу шахс узоқ йиллардан буён президентнинг бош маслаҳатчиси сифатида Россия сиёсий ҳаётининг асосий йўналишларини белгилаб келаётганди.

Асли ном насаби Аслам Дудаев бўлган бу сиёсий арбоб Чеченистонда туғилган бўлиб, кейинчалик гўдаклигида Россияга олиб кетилган ва унга онасининг фамилиясини бериб, номини ҳам Владислав дея ўзгартиришган. Кейинги 20 йиллик даврда Сурков Путиннинг энг яқин ёрдамчиларидан бири бўлиб келди. Чеченистонда урушни тўхтатиб, тинчлик ўрнатилишида Сурковнинг бебаҳо хизмати бўлганлиги боис президент Путин унга энг масъул вазифаларни ишониб топширарди. Аммо Владислав Украина масаласи бўйича ишни "атала" қилиб қўйди.

Умуман, кейинги пайтда Кремль сиёсатида чуқур сифат ўзгаришлари рўй бераётир. Бир вақтлар рус сиёсатининг отахони Владимир Жириновский Россияга мигрантларни визасиз кириши ва собиқ совет республикалари билан ҳамкорлик қилишга қарши эди. Эндиликда унинг кўзқараши ҳам кескин ўзгарди. Россиянинг ҳамкорлик йўналиши жануб томонга бўлиши керак деган тўхтамга келди.

Албатта, иттифоқ бўлиб аҳил яшашга нима етсин. Бироқ бундаги битта катта муаммо шундаки, йирик давлат билан кичик мамлакат ўртасида тенгҳуқуқли ҳамкорлик бўлиши қийин. Бу ҳолатни Россия билан Беларусь орасидаги муносабатларда яққол кўришимиз мумкин. Бу икки давлат ўртасидаги яқин алоқалар охири шунга олиб келдики, Путин Беларусни ўз мустақиллигидан воз кечиб, Россия билан қўшилишини истаб қолди. Шубҳасиз, Лукашенко бунга қатъий қаршилик кўрсатмоқда.

Энди ўзингиз тасаввур қилинг: қарама-қарши томонга ҳаракат қилаётган икки киши ўзаро ҳамроҳ ва ҳамкор бўла оладими? Табиийки, йўқ. Россия билан дунё харитасида янги пайдо бўлган мустақил республикалар ҳозир худди ана шундай ҳолатда туришибди. Айтайлик, собиқ СССРнинг тарқалиб кетиши биз учун озодлик ва истиқлолга йўл очган бўлса, Владимир Путиннинг фикрига кўра, бу тарихий воқеа Россия учун "XX асрдаги энг буюк геосиёсий ҳалокатдир". Ёки бўлмаса, биз мамлакатимизда озод, ҳуқуқий-демократик жамият барпо этаётган бўлсак, кремлдагилар ҳокимият вертикалини мустаҳкамлаб, милитар-авторитар давлат қуришмоқда. Чунки Россияда демократик давлат қуриб бўлмаслигига ўзлари ҳам тобора ишонч ҳосил қилишмоқда. У ерда бунга икки марта уриниб кўришган. Икки ҳолатда ҳам (1917 йил ва 1991 йилларда) империя демократик ислоҳотлар натижасида инқирозга юз тутиб титилиб кетган. Биз дунёга эшикларимизни кенг очиб, тинчликка, ҳамкорликка интиляпмиз. Россияликлар эса яккаланиш тамойилига амал қилиб, ярим дунё билан араалашиб, яқин қўшниларини ерини тортиб олиб, ўзига хос жайдари сиёсат юргизмоқда.

Конституцияга киритиладиган ўзгартишларнинг кўпчилиги Россия халқларининг ўзига дахлдор бўлса-да, бизга ҳам тегиб ўтадиган томонлари йўқ эмас. Масалан, ундан халқаро ҳуқуқ меъёрларининг Россия қонунчилигига нисбатан устуворлиги ҳақидаги бандлар ўзгартирилиб, умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқий меъёрларга қараганда Россия қонунлари устувор бўлиши ҳақидаги тузатиш киритиш режалаштирилмоқда. Айтайлик, халқаро меъёрлар бўйича ҳар бир мамлакатнинг қуруқлик, сув ва ҳаво йўллари бошқа мамлакатлар учун ҳам очиқ бўлиши, улардан фойдаланиш эркинлиги кафолатланиб қўйилган. Халқаро ҳуқуқий меъёрлар иккиламчи даражага туширилади бўлса, эртага турли баҳоналар билан бу йўллар ёпиб қўйилиши ҳам мумкин. Тўғри, ҳозир кўп мамлакатлар транзит ва логистика орқали яхшигина даромад олишмоқда. Бироқ Россияда тартиб шунақаки, кўп ҳолатларда сиёсат иқтисодиётдан устунлик қилади.

Нима бўлганда ҳам бу мамлакатда содир бўлаётган кейинги воқеаларни ижобий баҳолаб бўлмайди. Юқорида қайд этганимиздек, у ерда 2025 йилда катта бурилиш содир бўлиши эҳтимоли бор. Бу энди қанақа ўзгариш бўлади, ҳеч ким айтиб беролмайди.

Худойберди КОМИЛОВ,
"Зарафшон"нинг сиёсий шарҳловчиси.

Мазкур мақоланинг электрон шаклини ушбу QR-код орқали ўқишингиз мумкин.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 19 июнда 735414 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ISTAMBUL YULDUZLARI" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси (қисқартирилган номи: "ISTAMBUL YULDUZLARI" МЧЖ ҚК) жамият таъсисчиларининг 2020 йил 7 апрелдаги 7-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри, Чўпон-ота маскани.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами СТИР: 306517854.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Паст Дарғом туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Рахимов Эшмуродга (2009 йил 13 февралда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан мерос-хўрларнинг Паст Дарғом туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳри, Нодирабегим кўчаси, 26-уй.

ГАЗЕТАМИЗНИ УЙДА ЎҚИНГ!

БУЮК БУНЁДКОР



Боғи Дилкушо (кўнгил олувчи боғ) Амир Темур хотинларидан бири Тўқалхоним шарафига 1397 йилда қурдирган. Амир Темур Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихони ана шу боғда қабул қилган. Шунингдек, Шоҳи Зинда меъморий мажмуасига мансуб Шодимулк оға мақбараси, Ширинбека оға мақбараси ва бошқалари қурилади. Шаҳарда Бибихоним жоме масжиди, Амир Темурнинг қароргоҳи - Кўксарой ва Бўстонсаройлар қад кўтарди.

Амир Темурнинг Самарқанддаги арк қалъаси жуда кенг ҳудудни эгаллаб, унинг ичида Бўстонсарой ва Кўксарой номли ҳажми 4 ошёнлик гўзал саройлар бино этилган. Кўксаройда давлат ишлари бажарилган, Бўстонсарой эса Амир Темурнинг шоҳона оиласи ва уларнинг истиқомат қиладиган жойи бўлган.

Амир Темур шарқ ва ғарб мамлакатлари ўртасида савдо-сотиқ ва элчилик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга ғоят катта эътибор берди. У нафақат Мовароуннаҳр, балки Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатларининг иқтисодий ва маданий тараққиётига, халқаро дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Ф.НЕГМАТОВ,
халқ таълими аълочиси.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Амир Темур Мовароуннаҳрни мўғуллар ҳукмронлигидан озод қилган бўлса-да, ҳали мамлакатда барқарор тинчлик ўрнатилмаган эди. Талайгина йирик сув ва йўл иншоотлари, шаҳарлар ва кўпгина қишлоқлар вайронага айланиб ётарди.

Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари беқиёсдир. Амир Темур умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлди. Унинг «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим» («Темур тузуклари»), деган сўзлари бунинг ёрқин исботидир.

Амир Темур ҳукмронлигининг илк даврида Кеш шаҳрини ўз пойтахтига айлантириш ниятида унинг ободончилигига катта аҳамият берди ва бошқа иншоотлар билан бир вақтда бу ерда машҳур Оқсарой қад кўтарди. Кешни Мовароуннаҳрнинг маданий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу боисдан бу шаҳар «Қуббаи ул-илм вал-адаб» унвонига эга бўлди. Оқсаройнинг ҳозирги кўриниши ҳам салобатли ва гўзалдир. Пештоқ равоғининг эни 22,5 метр, баландлиги 40 метр, умумий баландлиги 50 метрдан ошади. Пештоқ минораси ичидаги айланма зина орқали юқорига чиқилган. Айни вақтда ёдгорлик осмон остидаги музей, турли мартабали сайёҳларнинг табаррук қадамжоси ҳисобланади.

Самарқанднинг экологик шароити ва ҳарбий стратегик мақсадларга мос келиши Соҳибқиронга маъқул бўлди. Шаҳарда Исфаҳон, Шероз, Ҳалаб, Хоразм, Бухоро, Қарши ва Кеш шаҳарларининг меъмор-у бинокорлари қўли билан муҳташам саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурилди. Шаҳар ташқарисида бир неча боғроғлар ва бўстонлар барпо этилди. Шулар орасида Боғи Дилкушо, Боғишамол, Гулбаданбегим, Боғи Намозгоҳ замонасининг машҳур боғи ироқларидан эди. Масалан,

? - Вилоятимизда туризм соҳасида янги-янги лойиҳалар амалга оширилаётган экан. Мени агро ва этноқишлоқлар ташкил этилиши қизиқтирмоқда. Бу каби сайёҳлик ҳудудлари қайси туманларда ташкил этилади?

Зокир БАКИРОВ,
Жомбой тумани.

Қаерда ЭТНОҚИШЛОҚ ташкил этилади?

- Республикамизга хорижий туристларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида турли лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Жумладан, Самарқанд туманидаги Боғибаланд ва Конигил, Пайариқ туманидаги Хўжа Исмоил маҳалласида сайёҳлик зоналари ва маҳаллалари ташкил этилади. Шунингдек, Самарқанд туманидаги Жойи Аббос маҳалласида агроқишлоқ, Ургут туманининг тоғли Терсак маҳалласида этноқишлоқ барпо этилади.

Бундан ташқари, тоғли туманларда жойлашган қаровсиз объектлар туризмни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тадбиркорларга берилмоқда.

Дилшод НАРЗИҚУЛОВ,
вилоят туризмни ривожлантириш департаменти бошлиғи.

Тасалли малҳами

«Кичкина қизимнинг уйига бораман ҳозир, - дея ўйладим. – Шу қизим менга бошқаларидан кўра анча меҳрибон. Уйда ўтираверіб диқланиб кетдим-е, юрагим санчаяпти, бод касалим бор, бу аҳволда тўшакка михланиб қолишим тайин. Раҳматли хотиним бўлганида-ку, бошқа гап эди. Тўхтовсиз меҳр, тасалли излайди бу кўнгил қурғур. Икки оғиз ширин сўзга зор. Биламан, санчаётган, бетоқат ураётган юрак дардимнинг малҳами, бир оғиз ширин сўз, меҳр, тасаллининг қули бўлиб қолар экансан. Соғиндим қизимни, ҳозироқ уйига бораман. Ўлсам ҳам боламнинг қўлида ўлай. Кетдим».

...Дўкондан совға-салом олиб, кичик қизимникига кирдим. Бахтга қарши денг, у ичкарида, тундроқ кайфиятда ўтирган экан.

- Келинг, ота, айни керак пайтида Худо етказди-да сизни! Киринг, ичкарига.

- Энди буёққа, неварангизнинг хобхонасига юринг! Бир илож қилиб ҳозиргина ухлатдим уни. Кеча тунда, ҳарорати кескин кўтарилиб, «судорга»си тутиб, шайтонлаб қолди. «Тез ёрдам» чақирдик. Қаранг, дўхтир, мана қанақанги қимматбаҳо дори-дармонларни ёзиб берди, бир қулоч қилиб! Буларни дорихонадан сотиб олишга пул йўқ менда, ота. Пул!

- Куёв қани?

- Мардикорлигига кетган. Эй, у... топганини ичади.

- Қайнотанг, қайнонанг-чи?

- Улар... касал, ётишибди қўш тўшак бўлиб!

- Қайнотангни кеча дўконда кўргандим-ку! Соппа-соғ бургутдай келбатда, милтиқни ўқидай! Тоғни урса, талқон қилади!

- Улар ўзи шунақа, ота, тез тусланади. Биронта невараси касалландими, тамом, иккаласи ҳам баҳона касал деяверинг... Ота! Ота, менга дорига пул керак ҳозироқ! Пул беринг!

- Бор пулим мана шу, қизим. Уч юз минг сўм! Пенсиямни олганим йўқ ҳали. Қаридим, касалман... Ма, шуни ола қол!

Бўғзимдан нимадир қисди, бошим айланди. Кўзларим жавдираб атрофимдан ўзим излаётган таскин, тасалли, меҳр малҳамларини қидирдим, кутдим.

Қизимнинг ҳадиксиган, совуқ, тош қотган, ҳиссиз нигоҳларига эмраниб қарадим...

Муродим УМРЗОҚОВ.

Синовли кунларни меҳнати билан енгаётганлар

Етмиш ёшни қаршилаётган Қундуз момо Худоёрова ҳали ҳам ёшлигидан меҳри инган, қўлларини қабартган гилам тўқиш билан машғул. Илк гиламни 10 ёшида тўқиган Қундуз момо бугун ҳам ҳунарини невараларига, шогирдларига ўргатишдан чарчамайди. Йўқолиб кетаётган миллий ҳунармандчилигимизнинг ушбу турини янада ривожлантирсам, дейди.

- Нурободнинг асосий аҳолиси чорвачилик билан шуғулланади, - дейди Қундуз момо. – Ҳудудимиз қир-адирлардан иборат. Ҳар бир қишлоқ оралиғи олис. Шунгами аёлларимиз имкониятдан келиб чиқиб рўзғорларини бут қилган. Эсимни танибманки, онам ва қўшни аёлларнинг асосий машғулоти қўйлардан мавсумда икки бор олинадиган жунларни титиш, уларга ишлов бериб, йигиришдан, калава қилишдан, ранглаб, турли рўзғор буюмлари тикишдан иборат эди. Аёлларимиз жундан қотма ва тақир гилам, хуржун, кигиз тўқиган. Шунгами 10 ёшимда мустақил, илк қотма гиламни тўқиганман. Олдинлари ҳар бир хонадонда гилам тўқиш дўконлари бўларди. Ҳозир гилам тўқийдиган қизларни топиш қийин. Тўғри, бу ҳунарнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари, заҳмати бор. Дастлаб жунни тозалаш, ювиш, йигириш, бўяш, ишлов бериш , яъни битта гилам тўқиш учун 13 босқичли жараённи босиб ўтиш лозим. Битта гиламни 3 нафар қиз бир ҳафтада тўқийди. Бу қизларимизнинг сабрини, дидини шакллантириб, санъатга, меҳнатга ошно қилган.

Бугун барча хонадонларимизни замонавий гиламлар эгаллаётган бўлса-да, ҳамон қўл меҳнати ила тўқилаётган маҳсулотлар харидоргир. Лекин бу харидорлар асосан чет эллик сайёҳлар. Нега?

- Тўқилган гиламлар табиийлиги, ҳаво ўтказувчанлиги билан ҳам инсон организмига фойдали, - дейди ҳунарманд момо. – Қишда иссиқ, ёзда салқин сақлайди. Ипидан тортиб рангларигача табиий. Бугун асосий харидорларимиз чет элликлар. Ҳар бир гиламнинг мустаҳкамлиги фойдаланилган жунга ҳам боғлиқ. Мисол учун, қора қўйники, иссиқ бўлса, араби, ҳисор қўйники йигирувчан, нафис бўлади. Жуннинг кузда олингани сифатини тез йўқотса, баҳорда олинган жун мустаҳкам бўлиб, юз йиллаб хизмат қилади.

Ҳозир карантин даврида неварамга холигилам тўқишни ўргатяпман. Бу гилам бир метрга 80 сантиметр атрофида бўлиб, 6 ой давомида тўқилади. Холигиламни жун ва ипакдан тўқиш мумкин.

Бугун Нурободда миллий ҳунармандчилигимизнинг 10 дан ортиқ йўналишларида фаолият юритаётган ҳунармандлар кўп. Улар уйда қолиб ўз меҳнати билан касалликни енгишга бел боғлаганлар.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

Зулфиячи қиз

китобхонликдан сабоқ беряпти



Камола Мусурмонова жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Мақсадли бу қиз ушбу мукофот учун танловга ўн йил давомида ҳужжат топширган. Камолани илк бор "Китобхон оила" танловида кўргандим. Ўшанда уларнинг оиласи вилоятда биринчи ўринни эгаллаб, бош совриндан – автомашина билан тақдирланганди. Тўғриси, ўша танловда Мусурмоновлар оиласидаги бу қизнинг иқтидорига нафақат томошабинлар, балки рақиб иштирокчилар ҳам тан бериб, қойил қолишганди. Камоланинг зукколиги, ўқиган асарларини шунчаки баён эмас, таҳлил қилиб бериши, ҳар бир образга тўхталиб ўтиши, классик шоирларнинг ҳатто санаб ҳам бўлмайдиган даражадаги ғазалларини ёддан айтиши ҳар қандай кишининг ҳайрат ва ҳавасини келтирганди.

Шундай иқтидорли қизнинг мукофот илинжида йиллар давомида ҳужжат топширганидан аввалига бироз ажабландим. Аммо у билан суҳбатлашганим сайин, ўн йилдан бери мукофот учун ариза топшираётган қиз ўзи ўқиган бадиий асарлари қаҳрамонлари каби ўжар, мақсадли, оғир-босиқ, танлаган соҳасининг ҳақиқий шайдоси эканлигини англадим. Аслида унинг мақсад сари интилиши китоб ўқишидан ҳам аввал пайдо бўлган, тўғрироғи шакллантирилган. Бу унинг оиласидаги турмуш тарзига бориб тақалади.

- Болалигимизда отам бизга ҳар ҳафта битта эртак ўқиб бериб, кейин биздан мазмунини айтишимизни талаб қилардилар, - дейди Камола Мусурмонова. – Биз бу талабни мажбурликдан эмас, балки қизиқиб, қани, ким чиройлироқ айтиб бераркин, дея "имтиҳон" кунини кутиб бажарардик. Бунинг эвазига дадам бизни ҳар уч ойда бир марта шаҳар айлантиришга олиб борар ва албатта, китоб дўконига кириб, китоб танлашимизга имкон берардилар. Эҳтимол, шаҳарда яшаётган болалар учун бундай саёҳат завқли бўлмагандир, аммо Қўшработ туман марказидан ҳам автомобилда нақд бир соатлик масофа узоқликдаги қишлоқда яшайдиган биз, болалар шаҳардан, китоб дўконидаги харидларимиздан бир олам таассурот билан қайтардик. Отам ветеринар, онам физика фани ўқитувчиси бўлсалар-да, адабиётга меҳрлари бўлакча. Отам достонларни худди бахшилардай куйлаб берар, биз эса оила даврасида мароқ билан тинглардик. Адабиётга шу тариқа меҳрим тушган. Кейин бошланғич синф устозим "Қизингиз шеър ёзар экан, уни ривожлантириш керак", деб айтган тавсиясидан сўнг отам туман марказидаги 82-умумий ўрта таълим мактабига олиб борди. Болалик тасаввурим билан туман марказидаги бу мактабда Қўшработнинг олис Пангат қишлоғидан келган қизалоқ қандай ўқийди, энг кучли, билимли болалар жамланган бўлса керак, деган хаёлларда ўз қобиғимга ўралиб қолдим бир муддат. Синфдошларим билан киришиб кетишимга ҳам ана шу тасаввурларим халақит қиларди.

Бир куни мактабдаги она тили ва адабиёт ўқитувчимиз дарсдаги жавобимни барчага ўрнак қилиб кўрсатгач, синфдаги ҳаётим ўзгарди, аниқроғи, ўзимга нисбатан ишонч уйғонди. Тўғрисини айтсам, шу устозимнинг ишончи ҳанузгача менга далда бўлиб туради. Мактабда таълим ҳақиқатдан ҳам самарали йўлга қўйилганди. Ҳар ойда синфлараро у ёки бу фан доирасида беллашувлар, шеърхонлик, ғазалхонлик, аниқ билимлар юзасидан викториналар бўлиб турарди. Кўплаб шеър, ғазалларни ёд билишим шу беллашувлар натижаси бўлса керак.

Камола билан китоблар, унга меҳр қўйиш ҳақида соатлаб суҳбат қуриш мумкин. Оиласидаги китобхонлик муҳити, илмий фаолияти йўлидаги изланишлари ҳақида камгап қиз жўшиб гапиради. Аммо ютуқлари ҳақидаги фактларни ундан олиш жуда қийин. Билганимиз – Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультети магистранти, Франция, Польша, Германия, Сербия давлатларида илмий мақолалари чоп этилган, Туркияда ўтказилган конференцияда иштирок этиб, "Мактаб дарсликларида ватан концепти ва таълими ҳамда таҳлили» мавзусида чиқиш қилган. Инглиз тилини мукаммал билади.

Айни карантин кунларида ҳам Камола бекор ўтиргани йўқ. Унинг муваффақиятлари қўшработлик ёшларнинг китобга қизиқишини ўн карра ошириб, ундан маслаҳат сўраб мурожаат қилувчилар кўпайган. Уйидаги юзлаб китоблардан ташқари 1,5 мингта адабиётни жамлаган электрон кутубхонасидан қўшработлик ёшлар унумли фойдаланишмоқда. Уларга онлайн тарзда китобларни улашиш билан бир қаторда китобни ўқиш бўйича тавсиялар бермоқда.

Гулруҳ МЎМИНОВА.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

9 апрель

Гулнора АҲМЕДОВА – 1959 йилда Пайариқ туманида туғилган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.

12 апрель

Мурод Муҳаммад ДЎСТ – 1949 йилда Нуробод туманида туғилган. Ёзувчи ва жамоат арбоби.

Зулайҳо НОРҚУЛОВА – (1937-2015) Пахтачи туманида туғилган. Меҳнат Қаҳрамони.

13 апрель

Аҳтам ЎРОЛОВ – 1947 йилда Қўшработ туманида туғилган. Архитектура фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

Мазкур мақоланинг электрон шаклини ушбу **QR-код** орқали ўқишингиз мумкин.

Газетанинг навбатдаги сони 2020 йил 11 апрель, шанба куни чиқади.

Zarafshon
Самаркандский вестник

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 13 949 нусхада чоп этилди. Буюртма 239

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи: Д.ТЎХТАЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X